

Қайд этиб ўтиш лозимки жорий йилда 44 та амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини 14 та янги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари тарзидан умумлаштириш, 40 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини Кореяниң KICT институти билан ҳамкорликда ҳалқаро нормативлар билан уйғунлаштириш, 30 та ШНҚларини “Қурилиш регламентлари” тоифасига ўтказиш ҳамда 76 та ШНҚ ларни мажбурийлиги бекор қилинадиган ва маълумотнома тоифасига ўтказиш белгиланган.

Албатта норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ва модернизация қилишда қуйидаги асосий мақсадларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга:

- норматив ҳужжатларни тизимлаштириш орқали шаҳарсозлик фаолияти соҳасида тартиб-таомилларни соддалаштириш;
- эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив ҳужжатларни янги ислоҳотлар билан мувофиқлаштириш;
- норматив ҳужжатларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш;
- миллий норматив ҳужжатларни шаҳарсозлик фаолияти соҳасига оид ҳалқаро норматив ҳужжатларга уйғунлаштириш.

Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикаси худудида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда қўлланилишига рухсат этилган бир қатор хорижий норматив ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларга Еврокодлар (European Codes, EC), Британия стандартлари (British Standards, BS), Хитой миллий қурилиш стандартлари (GB, CJ, JC, JG ва бошқалар), Корея қурилиш кодлари (Korean building code, KBC), Қурилиш меъёrlар ва қоидалар (СНиП, Россия Федерацияси), АҚШ ҳалқаро қурилиш кодлари (International building code, IBC) ва Япония миллий стандартлари (Japanese Industrial Standards, JIS) шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси худудида ушбу хорижий норматив ҳужжатларни қўлланилишида, шу жумладан лойиха ҳужжатларини экспертизадан ўтказишида маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номутаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича маҳсус техник шартларни ишлаб чиқсан ҳолда, хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши талаби мавжуд.

Ушбу тартибининг белгиланишидан асосий мақсад хорижий инвесторларни мамлакатимиз худудида ҳалқаро талаблар асосида эркин фаолият олиб боришига кенг йўл очиб бериш, шунингдек архитектура-қурилиш ишларини олиб боришининг замонавий услубларини, қурилишда энергия тежамкор технологиялар ва материалларни кенг қўллаш имкониятларини яратиш хисобланади.

Амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун кўрсатиб ўтилган хорижий норматив ҳужжатларни имплементация қилиш, нафақат хорижий инвесторлар, балки маҳаллий қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг ҳам фаолиятини ижобий таъсир этади.

Бунда албатта, миллий норматив ҳужжатларни илфор хорижий давлатлар нормативлари билан уйғунлаштириш ишлари республиканинг геология, табиий-иклим ва сейсмологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётганлиги мавжуд илмий-тадқиқот институтлари ва соҳа ташкилотларининг чуқур изланишлар олиб бориши талабини шакллантиради.

Масалан, худудларни ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва ишлаб чиқиши тартибига оид норматив ҳужжатларни Хитой Xалқ Республикаси мутахассисларини тажрибаси ўрганган ва қўллаган ҳолда миллий меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, уни натижасида кўплаб янги ҳалқаро стандартларни амалиётга жорий этиш имкониятини яратиб беради.

Хитой Xалқ Республикаси ҳузуридаги 1953 йилда ташкил этилган Хитой қурилиш-тадқиқотлари академияси (2000 йилдан бошлаб Давлат илмий-тадқиқот муассасасидан Давлат Кенгашининг "Давлат активларини назорат қилиш ва бошқариш комиссияси" га

қарашли технологияга асосланган корхона) ҳозирда Хитойнинг қурилиш саноатидаги энг иирик кенг қамровли илмий-тадқиқот институтидир.

Хитой қурилиш-тадқиқотлари академияси қурилиш индустрисидаги фан доктори ва магистр даражаларини бериш учун ваколатли муассасалардан бири бўлиб, қурилиш мұхандислиги бўйича докторликдан кейинги ўқув дастурга ҳам эга. У Хитой мұхандислик академияси ва Хитой Фанлар академияси академиклари, лойиха усталари, қурилиш саноатининг турли соҳаларида юзлаб таниқли мутахассислар, ёш ва ўрта ёшдаги техник истедодлар қаторида кўплаб юқори малакали кадрларга эга.


Хитой қурилиш-тадқиқотлари академиясининг тадқиқот ва бизнес, қурилиш конструкциялари, замин ва пойдеворлар, зилзилабардош мұхандислик, қурилиш мұхити ва энергия самарадорлиги, қурилиш дастурий таъминоти, қурилишни механизациялаш, биноларни ёнғиндан химоя қилиш, қурилиш технологияси ва қурилиш материаллари каби 70 та мутахассислик соҳасини қамраб олган.

Сўнгги йилларда Академия яшил бинолар, янги энергия манбалари, оғатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш ва ақлли интеграцияга оид технологияларни тадқиқ қилиш ва ривожлантиришга кўпроқ куч сарфлади.

Мазкур академия иккита илмий-тадқиқот базасини ва Пекин Тонгжоу базасида давлат лабораториясини яратди.

Технологияга асосланган корхонага айлантирилгандан бери академия бозорга йўналтирилган бўлиб, технологияларни тўлиқ қўллаб-куватлаш ва инновацияларга кўпроқ эътибор билан янги технологиялар ва маҳсулотларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга содиқ қолди.

Хитой қурилиш-тадқиқотлар академияси мутахассислари технология, иқтисодий фойда ва умумий қувватда доимий ўсишни амалга ошириб ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ва модернизация қилишда илмий тадқиқотлар ва стандартлар, қурилиш мұхандислиги бўйича маслаҳат ва хизматлар, қурилиш лойихалари ва режалаштириш, қурилиш ва назорат, мұхандислик текшируви ва маҳсулотни сертификатлаш, қурилиш сектори учун дастурий таъминот ва ИТ иловалар, қурилиш материаллар ва маҳсус мақсадли асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда интеграцияси билан диверсификацияланган ривожланиш моделини шакллантириб келишмокда (1-расм).



1-расм. Хитой қурилиш – тадқиқотлар академиясининг ташкилий тузилмаси

Хитойнинг XKTA мутахассислари билан ҳамкорликда ва уларнинг тажрибалари асосида миллий норматив хужжатларни такомиллаштирилиши кўплаб янги ҳалқаро стандартларни амалиётга жорий этиш имконияти беради.

Бу ўз натижада, шаҳарсозлик фаолияти соҳаси ислоҳотларини амалга оширишнинг янги босқичига олиб чиқади.

Адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартағи ПФ-5963-сонли “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони;

2. <https://www.cabr.com.cn>

УДК 693.542.04

ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИЙ МЕТОД ПРОИЗВОДСТВА СБОРНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ

к.т.н., профессор Наров Р.А., соискатель Абдуллаев У.Х. (ТГТУ)

Аннотация: Одним из перспективных направлений повышения производительности открытых цехов и полигонов является снижение себестоимости изделия, уменьшения продолжительности цикла тепло влажности обработки за счёт использовании солнечной радиации. Солнечная радиация в некоторых областях достигает 170 тыс. кал/см². Нами предложены способ двухстадийной тепловой обработки изделий. Наибольший эффект